Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил **20 февраль** ЧОРШАНБА

**№ 14** (13171)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини рўёбга чиқариш, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни ривожлантириш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини сифат жиҳатидан янги даражага ўтказиш жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Қисқа вақт оралиғида "ягона дарча" тамойили бўйича кўрсатилаётган давлат хизматлари сони 100 та хизматдан ортди, хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилаётган фуқаролар сони эса 50 баробарга ошди. Бунда кўрсатиладиган давлат хизматлари кўрсаткичи қўшимча давлат хизматлари жорий этилиши муносабати билан яна икки баробар ортиши кутилмоқда.

Бизнес юритишда ортиқча бюрократик жараёнларни тубдан қисқартириш ва давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада ривожлантириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматлари марказларида (кейинги ўринларда – Марказлар) фуқаролар доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан ва юридик шахслар почта манзилидан (жойлашган еридан) қатъий назар, давлат хизматларини **экстерриториал тамойил** бўйича олишга ҳақли;

давлат хизматларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – Ягона портал) орқали мурожаат этганда давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар Марказлар орқали ёки бевосита хизмат кўрсатувчи органларга мурожаат этганда тўланадиган суммадан **90 фоиз миқдорида** тўланади;

Ягона портал орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари учун давлат божлари ва йиғимларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтириладиган қисми 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилади ва бўшайдиган маблағлар қолган олувчилар орасида мутаносиб равишда тақсимланади;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотлар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда белгиланадиган рўйхат бўйича маълумотларни ўзларининг маълумотлар базаларига ва ахборот тизимларига электрон кўринишда электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун киритиб борадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа идора ва ташкилотлар ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ўзларининг идоравий ахборот тизимларида, ресурсларида ва маълумотлар базаларида мавжуд ва давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотлар "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилишини ҳамда Агентликка зарур ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш имконини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

**Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг 2019 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилинадиган айрим турлари рўйхати** 1-иловага мувофиқ;

**Давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгиловчи нормалари мавжуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юқорироқ юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаган ҳолда қайта кўриб чиқиш жадвали (кейинги ўринларда – Жадвал)** 2-иловага мувофиқ;

**Давлат хизматларини оптималлаштириш, давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотларнинг электрон базаларини шакллантириш ҳамда идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини "Электрон ҳукумат" тизимига интеграция қилиш бўйича тадбирлар режаси** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда

Мактабгача таълим

## БИЗНИНГ БОЛАЖОНЛАР – ЭНГ ЯХШИСИГА МУНОСИБ

*Давлатимиз раҳбарининг "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорлари тизим ривожида туб бурилиш ясади.*



Вилоятимизда ҳозирги кунда 670 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 103 таси нодавлат таълим муассасалари ҳисобланади. Давлат хусусий-шерикчилик асосидаги МТМ 29 та, оилавий МТМлар 58 та, ташкилотларга қарашли МТМлар 26 тани ташкил этади. Бу боғчаларда 79 минг 775 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда.

Хусусан, Янгийўл шаҳрида ҳам бу борада эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда. Шаҳарда 5 минг 947 нафар 3 ёшдан 7 ёшгача болалар бўлиб, улардан 2 минг 818 нафари мактабгача таълимга қамраб олинган. Шу кунларда шаҳарда 13 та давлатга қарашли, 6 та хусусий ва 2 та давлат хусусий-шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Жорий йилда яна 10 та хусусий боғча очилиши режалаштирилган. Шунингдек, 12-болалар боғчасида жуда катта қўшимча қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Наврўз байрами арафасида қайта очилиши кутилаётган боғча ўз бағрига 400 болани қабул қилиб олади. Эътиборлиси, янгитдан қурилиб, ишга туширилаётган бу муассасалар дунё стандартларига мос ҳолда, янги инновацион ғоялар асосидаги дизайнда безатилиб, болаларга тортиқ қилинаяпти.

– Мактабгача таълимга ҳеч қачон ҳозиргидек катта эътибор қаратилмаган, – дейди 9-боғча мудираси Гулнора Мираҳмедова. – Сектор раҳбарларининг ўзлари боғчаларга бориб, нима муаммо бўлса, ёрдам беришаяпти. Юртбошимизнинг соҳага тааллуқли қатор фармон ва қарорларига биноан кўплаб тадбиркорлар хусусий боғчалар очишмоқда. Энг асосийси, барча саъй-ҳаракатлар кун сайин кўпроқ болаларни мактабгача таълимга қамраб олиб, уларга сифатли таълим-тарбия беришга қаратилган. Зеро, бизнинг болаларимиз энг яхшисига муносиб.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**

*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар*





Ўзбекистон – умумий уйимиз

**"Замин" тантаналар уйида Янгийўл татар миллий-маданий маркази ташкил топганининг 20 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Россия Федерацияси элчихонаси ходимлари, вилоят ҳокимлиги, миллий-маданий марказлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашишди.**

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ТАРАННУМИ



Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш бугун барчамизнинг энг асосий вазифамизга айланган. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари аҳил, иноқ ва тотув яшаб келмоқда. Бу каби байрамларда улар бир дастурхон атрофида ўтириб, ўйнаб-куйлаб, янада жипслашадилар.

– Ҳар йили байрамимизга жуда кўп меҳмонларни таклиф қиламиз, – дейди миллий-маданий марказ раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳибаси Аниса Гатаулина. – Ҳозирда бизнинг туман ва шаҳримизда 5 мингга яқин татар миллатига мансуб фуқаролар эмин-эркин яшаб келишмоқда. Ўзбекистон бизнинг ҳақиқий уйимиз, азиз Ватанимиздир. Фарзанд ва набираларимиз ҳам шу ерда ўқиб, оила қуриб, юртимиз равнақи учун меҳнат қилишмоқда. Биз бундан жуда бахтиёрмиз.

Байрамда меҳмонлар учун татар миллий таомлари билан безатилган тўкин дастурхон ёзилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси О. Парпибоева иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз**

*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат*

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН СЕНАТ АЪЗОСИ САЙЛАНДИ

*Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида Халқ депутатлари Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Олий Мажлис Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси бўлиб ўтди.*

Қўшма мажлисда вилоят давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра Халқ депутатлари Зангиота тумани кенгаши депутати Рихсиева Гулчеҳра Шавкатовна Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб сайланди.

Г. Рихсиева 1971 йилда Зангиота туманида туғилган. Шарқшунослик институти туркий тиллар кафедраси доценти.

Йиғилишда МСК масъул котиби Суяржон Қурбонқулов иштирок этди.

## БЎКА ТУМАНИГА ЯНГИ ҲОКИМ ТАЙИНЛАНДИ

**Кеча Халқ депутатлари Бўка тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.**

**Сессияда ташкилий масала кўрилди.**

Шу вақтга қадар туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Нўъмон Избосаров саломатлиги билан боғлиқ муаммолар туфайли эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди.

Депутатлар Бектемир Ибрагимовни Бўка тумани ҳокими лавозимига тасдиқладилар.

Б. Ибрагимов кўп йиллар вилоятнинг қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида масъул вазифаларда меҳнат қилган. Ўз вақтида вилоят ҳокимининг мазкур масалалар бўйича биринчи ўринбосари, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими бўлиб ишлаган.

Халқ депутатлари Бўка тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Тошкент вилояти ҳокими Ғуломжон Ибрагимов сўзга чиқди.

**Тошкент тумани ҳокимлиги эътиборига:**

## «ЛАҒМОНЛАР ИЛМАЙ ҚУЛОҒИМИЗГА, БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА...»

**Аҳоли 15 йилдан бери кўчани асфальт қилиш ҳақида маҳаллий ҳокимиятга, бошқа ташкилотларга хат ёзавериб, ниҳоят бундан 3 йил бурун 700 метргина йўл асфальт қилинди. Бироқ, кўчанинг қолган қисми ҳолига маймунлар эмас, одамнинг ҳам йиғлагиси келади.**



Хўп, мутасадди ташкилотлару раҳбарларнинг совуққонлиги четда тура турсин, аҳоличи? Одамларнинг ўзлари қаёққа қарашаяпти? Наҳотки, ойда бир ҳашарлашиб, шу ариқ бўйи ва кўчаларни тозалаб қўйиша олмаса?



3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

4. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Жадвалга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини:

Агентлик, Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази ва бошқа манфаатдор идоралар ходимларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳлар тузиш;

аниқ бир турдаги давлат хизматини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани ялпи хатловдан ўтказиш;

давлат хизматларини оптималлаштириш, асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларини бартараф этиш;

қонун ҳужжатларини қисқартириш, нормаларнинг кўплигини бартараф этиш ва уларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштириш орқали нормаларни тизимлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатиш тартибларини Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунига мослаштириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган муддатларда киритиш орқали таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг 3-иловасида кўрсатилган вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. 2019 йил 1 августдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний шахслардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотномалар талаб қилиниши тақиқлансин.

Бошланиши 1-бетда

Белгилансинки, давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органлари, АТБ "Халқ банки", Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан электрон ўзаро ҳамкорлик орқали фақат идоралараро интеграциялашув платформасига ахборот олиш учун уланиш йўли билан мустақил равишда сўрайдилар ва оладилар;

Давлат солиқ қўмитаси, АТБ "Халқ банки", Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2019 йил 1 июлга қадар давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимларини такомиллаштирсин ҳамда мазкур бандда назарда тутилган ахборот ва ҳужжатларни фақат идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этсин.

7. Агентликка Марказлар орқали давлат хизматларини жойларга чиққан ҳолда кўрсатиш (етказиб бериш) бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар асосида пуллик экспресс-хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилсин. Бунда ногиронлиги бўлган шахслар ва бориш қийин бўлган туманлар аҳолисига экспресс-хизматлар текин кўрсатилиши назарда тутилсин.

8. Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига:

фақат Марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этиш бўйича тадбирларни ўз вақтида бажариш;

давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг серверларида профилактика ишларини иш вақтидан ташқарида олиб бориш;

давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидаги носозликлар ҳақида Агентликни хабардор қилиш, шунингдек, уларни зудлик билан тузатиш чораларини кўриш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Агентликка хўжалик бошқаруви органлари, уй-жой коммунал ва фойдаланиш хўжалиги ташкилотлари томонидан турли хизматлар кўрсатилиши сифати устидан, жумладан, хизмат кўрсатиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фуқаролар учун бошқа қулайликлар яратиш юзасидан мониторинг олиб бориш ваколати берилсин.

Агентликка:

хўжалик бошқаруви органларига, уй-жой коммунал ва фойдаланиш хўжалиги ташкилотларига аниқланган қонунбузилишлари ва камчиликларни, уларнинг йўл қўйилишига олиб келган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш;

давлат хизматлари кўрсатиш талаблари ва тартибини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматлари кўрсатишда Марказлар ходимлари томонидан аризачилардан нақд ва нақдсиз пул қабул қилиш механизмини жорий этсин;

бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматларини тезлаштирилган тартибда оширилган тарифлар бўйича кўрсатиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

уч ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари (KPI) (кўрсатилган хизматларнинг миқдори ва сифати, хизмат кўрсатиш тезлиги, ходимнинг хушмуомалалиги ва малакалилиги, мурожаатчиларнинг фикрлари ва бошқалар) ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда Агентликнинг "Call service" орқали давлат хизматлари кўрсатиш механизмини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар "ФҲДЁ ягона электрон архиви" ахборот тизимининг блокчейн технологиясидан фойдаланиш асосида, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида жорий этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда юқори синфлар учун "Информатика ва ахборот технологиялари" фанининг ўқув дастурига "Электрон ҳукумат" тизими хизматларидан фойдаланиш, талаб энг юқори бўлган давлат хизматларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, Ягона порталдан фойдаланган ҳолда олиш кўникмаларига ўргатишга бағишланган махсус бўлим киритсин.

12. Иқтисодий ривожланиш даражаси ортда қолаётган туманлар ҳамда чекка ҳудудларга салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3701-сонли "Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори доирасида қўшимча объектларни қуриш учун инвесторларга барча имтиёз ва афзалликлар сақлаб қолинган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳудуд миқёсидаги бошқа туман (шаҳар)дан ер участкаларини ажратишга рухсат берилсин.

13. Давлат хизматлари марказлари биноларини қуриш Режа-жадвали 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига Режа-жадвални ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Агентлик Режа-жадвалнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторингни ўрнатсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига унинг ижро этилиши тўғрисида ҳар чоракда ахборот киритсин.

14. 2021 йил 30 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Агентлик томонидан Марказлар, нотариуслар ва ФҲДЁ архивларини жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган сервер ва компьютер ускуналари, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, дастурий таъминот, асбоблар ва қурилмалар, бошқа ускуналар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т. А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 15 февраль

---

Сарҳисоб

*Нурафшон шаҳридаги 10-мактабда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилотининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.*

# БИРДАМЛИКДА БАРАКА БОР

Тадбирда мазкур ташкилотнинг 2018 йилдаги фаолияти таҳлил этилиб, ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди. Шунингдек, жорий йилда амалга ошириладиган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

– Жамиятимиз аъзолари сони 73 минг 776 нафарни ташкил қилади, – дейди Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти раиси Зарифа Хилватуллаева. – Ташкилот томонидан ўтган йили ҳимояга муҳтож инсонларга ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 180 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, нафақахўрлар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятнинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан васийликка олинди. Бундай хайрли ишларни жорий йилда ҳам давом эттирамиз.

Йиғилиш давомида жамиятнинг Қибрай тумани, Ангрен ва Бекобод шаҳар бўлимлари "Меҳр-шафқат" хизмати ҳамшираларининг иш фаолияти ўрганилди. Улар томонидан ҳудудда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга, ногирон, боқувчисини йўқотган ёлғиз фуқароларга кўрсатилган тиббий, ижтимоий, моддий ва фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, жамият фаолиятини жадаллаштиришда ҳамкор ташкилотлар билан ишлашни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибоева қатнашди.

**Зуҳриддин ҚАМБАРОВ**

---

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР УЧ ҚАВАТЛИ КЎПРИК БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 1 июнь куни пойтахтимизнинг Махтумқули ва Оҳангарон кўчалари кесишмасида барпо этилаётган уч қаватли кўприк лойиҳасини кўздан кечириб, уни замонавий технологиялар асосида сифатли бунёд этиш, коммуникация тармоқларини жойлаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берган эди.*





Президент ташрифидан сўнг...

Таъкидлаш жоизки, ҳозиргача юртимизда уч қаватли кўприк қурилмаган. Бугун ана шу маҳобатли иншоот қурилиши жадал давом этмоқда. Мутахассислар фикрича, пойтахтимизнинг энг гавжум чорраҳаларидан бирида қурилаётган бу кўприк тирбандликни камайтириб, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди. Бу кўприк келгусида Тошкент шаҳрининг ўзига хос ташриф қоғози бўлади, деган эди Президентимиз.

Ўз навбатида, янги транспорт боғламаси Тошкент шаҳридан Чорвоқ ҳудудига борувчи йўлни 22 километргача қисқартиради. Шу тариқа Чорвоқ ва Чимён ҳудудини ривожлантиришга замин яратади.

Кўприк лойиҳасини "Боштранслойиҳа" акциядорлик жамияти мутахассислари ишлаб чиққан. Қурилиш ишлари "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонаси ишчи-ходимлари томонидан олиб борилмоқда. Бунёдкорлик ишларини назорат қилиш учун мамлакатимизнинг малакали мутахассислари жалб қилинган.

Лойиҳага кўра, биринчи босқичда Паркент ва Оҳангарон шоссесига ўтувчи қисмида умумий узунлиги 500 метрдан зиёд, кенглиги 26,7 метрли туннель қурилмоқда. Туннель баландлиги жаҳон стандартларига мос равишда 5,5 метр бўлиб, ҳар икки йўналишда автомобиллар 3 қаторда ҳаракатланади.

Иккинчи босқичда Қорасув даҳасидан Махтумқули кўчасига чиқувчи йўлнинг мазкур туннель устидан ўтган қисмида айланма кўприк қуриш ишлари бошлаб юборилган. Бу кўприкда ҳайдовчилар учун тўртта йўналишда ҳаракатланиш имконияти яратилади.

Учинчи босқичда иккала кўприк устидан ўтувчи учинчи қават Махтумқули ва Темур Малик кўчаларини туташтиради. Бугун ушбу йўл ўтказгичнинг пойдеворлари тайёр ҳолга келтирилмоқда. Йирик йўл ўтказгичнинг умумий узунлиги 614, кенглиги 30 метрни ташкил этади ва 6 автомобиль йўлагига мўлжалланган бўлади. Шунингдек, Тошкент механика заводида таъмирланган самолётларни ишбилармонлик аэропортига олиб бориш учун йўл ўтказгич барпо этиш ишлари ҳам бошланган.

Кўприкнинг учинчи қавати вилоятимизнинг Паркент, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ туманлари томон ҳаракатланувчи автомобиллар учун қатор қулайликлар яратади. Хусусан, ушбу йўналиш бўйлаб ҳудудларга элтувчи замонавий магистраль бунёд этилади. Энг асосийси, кўприкда бирорта ҳам светофор бўлмайди, транспорт воситалари тўхтовсиз ҳаракатланиши таъминланади.

– Ҳозирда 200 нафардан ортиқ ишчи-ходим куну тун меҳнат қилмоқда, – дейди 13-кўприк қурилиш отряди бошлиғи ўринбосари Мухтор Тоғаев. – Қурилиш-монтаж ишларини сифатли ва самарали амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кўприк ва йўл ўтказгичларни бунёд этишда фойдаланиладиган темир-бетон конструкциялар трестга қарашли ишлаб чиқариш базасида тайёрланмоқда. Шунингдек, кўприк устунларини жойлаштиришга мўлжалланган мослама "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса қурилиш объектининг таннархи учун ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олади. Уч қаватли кўприкнинг темир-бетон конструкциялари жойида қуйилиб, 90 фоиз монолит бетондан фойдаланиши ҳам юқори сифат ва тежамкорлик учун муҳим омил бўлмоқда.

Ҳозирда туннель кавлаш ишлари якунига етмоқда. Жорий йил охирига қадар лойиҳага киритилган барча иншоотларда қурилиш ишларини якунлаш режалаштирилган.

**Муҳайё ТОШҚОРАЕВА, ЎзА**

---

# АГЕНТЛИКНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАШАББУСИ

*"Ўзстандарт" агентлиги томонидан ташкил қилинган медиатурда журналистлар Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази фаолияти ҳамда унинг ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлиги тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлдилар.*

Медиатур

Медиатур қатнашчилари "Ўзбеккимёмаш", "Чирчиқ трансформатор заводи" ҳамда "Эзгулик сари агро" иссиқхоналарида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Журналистлар марказнинг "Чирчиқ сифат" аккредитланган синов лабораториясида маҳсулотлар синови жараёнини кузатдилар. Умумий физика-кимё ва хавфсизлик хоналарида ходимларнинг ишларига гувоҳ бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги "Тиббиётда қўлланиладиган лаборатория ва диагностика ускуналарининг метрологик назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси таъминланиши бўйича марказ томонидан ҳудуддаги тиббиёт бирлашмаларининг ўзида тиббиёт ускуналари метрологик текширувдан ўтказилиши йўлга қўйилган эди.

Шунга мувофиқ, медиатур иштирокчилари "Ventra" клиникасида бўлиб, тиббиёт ускуналарини кўрикдан ўтказиш имкониятларини кўздан кечиришди.

Медиатур якунидаги самимий мулоқотда барча саволларга жавоб олинди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**

---

## Сиз нима дейсиз?

## НИКОҲ ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЙ БЎЛСИНМИ?

**Оила кодексига никоҳни қайд этиш учун никоҳланувчилар ўртасида никоҳ шартномаси тузиш мажбурийлиги юзасидан таклиф киритилди.**

Унга кўра, келин ва куёв ўртасида никоҳ шартномаси тузилмаган ҳолатда уларнинг никоҳи ФҲДЁ органида қайд этилишига йўл қўйилмайди.

Эслатиб ўтамиз, никоҳланувчи шахсларнинг (эр ва хотиннинг) никоҳда бўлган даврида ва никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланиб, ҳозирги кунда уни тузиш ихтиёрий.

Бу таклифни маъқуллайсизми?

@haqiqatonline

---

## «АКФА» УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАРМИШ...

*Акфа университетини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг "Ҳуқуқий ахборот" канали маълум қилмоқда.*



Қарор билан ташкил этилган университетда фундаментал, тиббиёт, аниқ ва гуманитар фанлар соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Университет масъулияти чекланган жамият шаклидаги нодавлат олий таълим ташкилоти ҳисобланади.

Университетда таълим жараёни инглиз тилида етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби ва қоидалари хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда белгиланади.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул квоталари университет томонидан белгиланади.

Университетда таълим олиш тўлов-контракт асосида кундузги шаклда амалга оширилади.

Университет битирувчиларига Ўзбекистонда олий маълумот сифатида эътироф этиладиган диплом берилади.

@haqiqatonline @haqiqatonline

## ЧЎНТАКНИ БАҚУВВАТ ҚИЛ, АБИТУРИЕНТ!

Олий таълимга ҳужжат топшириш жараёнларига киритилаётган энг сўнгги ўзгаришларга кўра, эндиликда абитуриентлардан тест синовларида иштирок этиши учун энг кам иш ҳақининг бир баробарига тенг миқдорда йиғим ундирилиши мумкин (тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар, I ва II гуруҳ ногиронлари бундан мустасно).

Ушбу йиғимлар Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

Таъкидлаш жоизки, бундай йиғим фақатгина аввалги йилларда таълим муассасаларини битирган абитуриентлардан ундирилади. Жорий йил битирувчилари учун тест синовлари бепул асосда ўтказилади.

## "ЛИГОТА"СИ БОРЛАР ХОҲЛАГАН ЎҚИШИГА ТОПШИРА ОЛМАЙДИ(МИ?)

"Абитуриент" ахборот порталининг хабар беришича, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ҳарбий имтиёзга эга абитуриентларга ўқишга кириш учун танлов асосида алоҳида квоталар ажратиш тартиби киритилмоқда.

Ҳарбий қисм командирининг тавсияномаси фақат ҳарбий олийгоҳлар учун имтиёзга эга бўлиши назарда тутилмоқда. Яъни, "лигота"си бор абитуриентлар исталган ўқишга топшира олмайди.

Савол туғилади: Бу ўтган йилларда ҳарбий имтиёз олган абитуриентлар учун ҳам амал қиладими?

Бу саволга ҳозирча жавоб йўқ, лекин аниқлик киритилмоқда.



# Ортда қолган из яхши

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Нурафшон" маҳалласида пири бадавлат оила яшайди. Хонадон соҳиби Комилжон ота Шокиров ўзининг 53 йиллик меҳнат фаолияти давомида эл ҳурмати ва эъзозига сазовор бўлганлардан.

## Фахрийларимиз ҳақида ҳикоялар

Комилжон ака оилавий шароити туфайли 9-синфда ўқиётган вақтидаёқ хўжалик даласига чиқди. Эгат оралаб ғўзага сув қуйди, кетмон чопди. Серғайрат йигитча бригада бошлиғи қандай иш буюрса барчасини бажарди.

Илмга чанқоқ йигит ўрта мактабни тугатиб, олийгоҳда физика-математика йўналиши бўйича ўқиди. Оилавий шароити туфайли ўқишни кечки бўлимда давом эттирди. Кундузи эса темир-бетон заводида пайвандчи бўлиб ишлади. Бир йил ўтиб-ўтмай, бу тиришқоқ йигитни бригада бошлиғи қилиб "кўтаришди".

Комилжон Шокиров 1973-1974 йилларда йигитлик бурчини ўтади. Жонажон қишлоғига келиб, 9-ўрта мактабда математика фанидан сабоқ бера бошлади. Бир йилдан сўнг эса мактабга илмий мудир этиб тайинланди. Кўп ўтмай, партия идораларида ишга жалб этилди ва бу соҳада ҳам ўзининг ташкилотчилиги ва одамлар билан ишлаш қобилиятини намоён этгани туфайли туман ички ишлар бўлими бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига ўтказишди. Илмли ва қобилиятли Комилжон Ғуломович ички ишлар соҳасида ҳам ўзини яхши фазилатлари билан кўрсатди. Тизимдаги кўпгина ибратли ишлари учун Комилжон Шокиров "Ички ишлар вазирлиги милиция аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўша даврда туманда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, пахта, буғдой ҳосилдорлигини ошириш учун раҳбар кадрлар зарур эди. Шу муносабат билан Комилжон акани жамоа хўжалиги раислигига тавсия этишди. У бу лавозимда ҳам беш йил ишлади. Ўз меҳнат фаолиятини оддий колхозчилик ва сувчиликдан бошлаган раис бу давр мобайнида пахта ҳосилдорлигини 26 центнердан 35 центнерга оширишга эришди. Ишчиларнинг даромади ҳам шунга яраша икки баравар кўпайди.

Қишлоқда ўсиб, қийинчиликларни бошидан кечирган раисбува аҳолининг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилашга бел боғлади. Шу йиллар ичида хўжалик ҳудудидаги барча қишлоқлар тўлиқ газлаштирилди, кўчалар асфальт кўрди.

Комилжон Шокиров бу каби ибратли ишларини "Янги тўлқин" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишлаган кезларда ҳам баҳоли қудрат давом эттирди. У иқтисодий ночор хўжаликни қолоқликдан олиб чиқди.

Комилжон Шокиров кейинги йилларда вилоят "Мева-сабзавот" бирлашмаси бошқаруви раиси, Ўрта Чирчиқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, Ўрта Чирчиқ тумани фермерлар уюшмаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатганида ҳам ўзи бошқараётган жамоанинг, одамларнинг ҳурмат ва олқишига сазовор бўлди.

Комилжон ота Шокиров бугунги кунда қарийб ярим асрлик умр йўлдоши Санобар ая Шокирова билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Тўрт фарзанд хизматда. 12 невара ва 3 эвара эса уларга чексиз шоду хуррамлик ҳадя этишади.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,**
*Ўрта Чирчиқ тумани*

## Яхши ташаббус

*Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг автобусида Юқори Чирчиқ тумани аҳолиси билан бевосита мулоқотга отланган "Олимлар клуби"нинг аъзолари тилида ва дилида "Қучоқ очиб, халқ ичига борайлик", деган шиор янгради.*

# Қучоқ очиб, халқ ичига борайлик

24-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида олимларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Президентимиз илгари сурган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган ғоянинг мазмун-моҳиятига кўра, ҳар бир оила, хонадонга кириб бориш нафақат раҳбарларнинг, балки илм аҳли, олимларнинг ҳам бурчи эканлигини таъкидладилар.

Шунингдек, "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таълим олиши билан боғлиқ масалалар борасида фикр алмашилди. Олимлар ҳамкорлик қўлини узатиб, олий ва ўрта таълимни бир-бирига боғлаш, нуфузли университетларда ташкил этилган тўгараклар филиалларини Юқори Чирчиқ тумани мактабларида очиш ташаббусини кўтаришди. Туман мутасаддилари буни миннатдорлик билан қабул қилиб, ҳамкорликнинг ташкилий ишларини бошлаб юборишди.

– Ташрифнинг энг қимматли жиҳати шу бўлдики, тумандаги таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик ришталари боғланди, – дейди Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари Моҳира Ходжаева. – Жонли мулоқотларда олимлар йигирма биринчи асрда инсон капитали бахтни белгилашнинг асосий шарти эканлигини тушунтиришди. Шунингдек, фарзанд тарбияси, оилани қандай мустаҳкам сақлаш, миллий ғоя ва ҳатто, қайнона-келин муносабатларигача илмий асосланган ҳолда маслаҳатлар беришди.



ни аҳоли, айниқса, ёшларга тушунтириш, иқтидорли ёшлар билан суҳбатлашиш, "Устоз-шогирд" ришталарини боғлашнинг аҳамияти ҳақида тўхталдилар.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар икки гуруҳга бўлиниб, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат жамоалари, таълим муассасаларига йўл олишди. Биринчи гуруҳдагилар болалар тагликлари ишлаб чиқарувчи корхона фаолияти билан танишдилар. Замонавий технологиялар шиддати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Иккинчи гуруҳдаги олимлар тумандаги "Усмонобод" ҳамда "Дархон" маҳаллалари аҳолиси билан учрашишди. Кўпмиллатли бу маҳаллаларда аҳолининг турмуш даражаси, ёшлар-

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ҳузуридаги "Маърифат" тарғиботчилар жамиятининг "Олимлар клуби" доимий ҳаракатда. Улар март ойида Сирдарё вилоятига чиқиб, жонли, маърифий мулоқотлар ўтказишга тайёрланишмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

## Кўргазма



# Лаҳзадан илҳомланиб...

*Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси фотошўъбаси аъзоси Владимир Гончаренконинг "Лаҳзадан илҳомланиб..." номли шахсий фотокўргазмаси очилди.*

Кўргазмада томошабин фоторассомнинг йиллар давомида шаклланган бадиий маҳорати солномасини кузатиши мумкин.

Экспозициядан ўрин олган "Тоғ жилғаси", "Момоқалдироқдан олдин", "Тонг саҳарда ой", "Қиш манзараси", "Қиш тонгги", "Тонгги туман", "Ажойиб қумтепа", "Саҳрода шафақ", "Кўкимтир Чотқол", "Паркент тоғларида", "Лашкарак", "Чорбоғ", "Кузнинг оқшомги жилоси. Бўстонлиқ", "Куз. Тоғ ёнбағирлари. Бўстонлиқ", "Кун ботиш маҳали. Бурчмулла" ва бошқа қатор фототасвирлар кишига кўтаринкилик бағишлайди.

В. Гончаренко 1949 йили Тошкент вилоятида туғилган. Ўзбекистонда нашр этилган археология, санъат, архитектура, табиат, этнография соҳаларига тегишли фотоальбомлар муаллифи.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# ҲАЁТНИНГ ЁРҚИН ТАРАФИДАГИ АЁЛ

*Янгийўл туманидаги 5-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли болалар ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Муҳайё Тўлаганова ижодига бағишланган маърифий кеча бўлиб ўтди.*

## Қутлов

Ижодкорни қутлагани Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таниқли шоирлар Умида Абдуазимова, Зулфия Мўминова, Рустам Мусурмон, Темур Убайдулло, Зарифа Эралиева ва бошқалар ташриф буюришди. Сўзга чиққанлар педагог ижодкорнинг ҳарбий ватанпарварлик, тил билишнинг аҳамияти, ўқувчининг бўш вақтини самарали ўтказиш, келажакда муносиб касб танлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг роли хусусида кўплаб мақола, ҳаётий лавҳа ва ҳикоялар муаллифи эканини таъкидлашди. Шунингдек, унинг "Энг яхши совға", "Қалдирғочлар", "Сабоқ", "Сахий бобо", "Тоза ҳаво" номли эртак, ҳикоя ва қиссалари ёш китобхонларнинг энг севимли асарларига айлангани ҳам айтиб ўтилди.

Эътиборга сазовор жиҳати М. Тўлаганова кўп йиллардан бери Янгийўл туманидаги "Орзу" адабий тўгарагида ижодкор ёшларнинг бошини қовуштириб, уларни адабиёт оламининг сирасрорларига ошно этиб келмоқда.

Тадбир сўнгида мусиқа мактаби ўқувчилари намойиш этган концерт дастури барчага хушкайфият улашди.

**К. САЛОМОВА**
*Нозим АБДУЛЛА олган сурат*



## Дарвоқе

# ҚОРНИ КУТИБ ЧАРЧАДИК

*Ноябрь ойларида қизимга: "Қиш келса, сенга чана олиб бераман, маза қилиб учасан", дегандим. Қиш келганига ҳадемай 3 ой бўлади, аммо ўша ваъда қилинган чанани олиб бермадим.*

Тунов куни: "Дада, қиш ҳам тугаяпти, қачон чана олиб берасиз?" деган эди, жавобни қисқа қилдим: "Қиш келгани билан қор ёғмадику, гупиллаб қор ёғсин, албатта, олиб бераман".

Бир томондан тўғри айтаяпман, қор бўлмаса чанани нима қилади?

Хуллас, ўзимни яхши ота деб ҳисоблардим, лекин бугун интернетдаги мана бу расмга кўзим тушдию, фикрим ўзгарди – биздан яхши оталар кўп экан...

**Шерзод ШУҲРАТОВ**




## Келинлар ўқисин!

# ҚАЙНОНАМГА АЙТОЛМАГАН ГАПЛАРИМ...



***Шу кунларда қайнонам ҳаёт бўлганларида 80 ёшга кирган бўлардилар...***

Баъзан ўйлаб қоламан: инсон бировнинг ишончини ёки муҳаббатини қозониши учун қанча вақт керак бўлар экан-а, деб.

Биз бешта келин эдик. Турфа хил феъл-атворга эга беш келин... Оқила қайнонамга бу беш келин билан муроса қилиш жуда қийин бўлгани аниқ.

Турмуш ўртоғим қайнонам мўлжал қилган қизга эмас, менга уйлангани учунми, негадир муносабатларимиз ҳадеганда исийвермасди. Ҳатто, бир сафар онамга: "Мен қайнонамнинг энг ёмон кўрадиган келини бўлсам керак", деганман. Шунда онам: "Сабр қил, ҳали сен энг суяр келинига айланасан", дегандилар. Шундай бўлишини чин дилдан истардим. Лекин, ҳар сафар иккиюзламачилик, мунофиқлик, чақимчилик ғолиб келаверарди. Менга эса яхши келинга айланиш истаги тинчлик бермасди. Кўнгилларини олишга ҳаракат қилаверардим. Шунчаки, инсон сифатида, келинлик бурчи важидан.

Қайнонам билан чинакам онабола, яқин дўст ва сирдош бўлгунимизча, афсуски, кўп сувлар оқиб кетди. Унгача менинг одамларга бўлган ишончим йўқолди. Баъзан ҳаётдан нафратланган, яшагим келмай қолган пайтларим бўлди. Аммо, онам айтган кунлар келди. Қайнонам ҳеч кимга айтолмаган дил оғриқларини, ҳатто қизларига ишонмаган сирларини менга айтадиган бўлдилар. Мен билан гаплашсалар бахтиёр бўлиб кетишларини ич-ичимдан ҳис қилардим.

Баъзида гоҳ турмуш ўртоғимга билдириб, гоҳ умуман айтмай қайнонамга совға-салом жўнатардим. Буни фақат турмуш ўртоғимга яхши кўриниш ёки келинлик вазифамни бажариш учун қилган эмасман. Чунки, турмуш ўртоғим ҳеч қачон: "Онамни ҳурмат қилсанггина сени яхши кўраман", дея шарт қўймаган. Қолаверса, ўша оилага келганимда кўрган кунларимнинг ҳақиқий гувоҳи эди у киши. Менинг эса, меҳрим товланиб бораверарди. Сабабини билмайман. Эҳтимол, беғубор қалбли, яхши кўрган инсонимнинг онаси ёмон бўлишига сира ишонгим келмагандир...

Менга қайнонамнинг самимий қувончи ёқарди, арзимаган нарсага ҳам боладай хурсанд бўлиб кетишлари завқ берарди.

Йиллар ўтиб, қайнонамни кашф қилиб боравердим. Беш келиннинг ютуғини бир-бирининг олдида сира мақтамасдилар. Энди билсам, бир-бирига ҳасад қилмасин, деган эканлар...

Келинлар овсинидан гина қилиб қолгудек бўлса ҳам, жимгина эшитардилару, аммо ёмонламасдилар. Оғир-вазмин бўлишга чақирардилар, топиб олган гаплари: "Сиз каттасиз болам, сиз кичиксиз болам..." бўларди. Меҳмонга келиб, турмуш тутумимиздан жиндак ранжиб кетсалар ҳам, буни сира қизларига айтиб, нолимаган эканлар...

Хуллас, биз бир-биримизга қайнона-келин эмас, энг яқин дўстлардек меҳр қўйганимизда... қайнонам кутилмаганда вафот этдилар. Ўша кунлари гўёки дунёдаги энг ишончли одамимни йўқотгандек, ўзимни ёлғиз ҳис қилдим. Чиндан ҳам, энг яхши дўстимдан айрилиб қолганимни ўтган 5 йил менга ботбот исботлаб берди...

Ёдимда, ҳар бир муваффақиятимни биринчи бўлиб қайнонам билан бўлишардим. Қайнонамнинг: "Қўшганингиз билан қўша қаринг", деган биргина самимий тилаги ҳар қандай дамда далда бўларди. Янги уйимизга бирор рўзғор анжоми олганимизни ҳам биринчи бўлиб у кишига айтардим. Улар бўлса, қолган тўққиз фарзандларига бир-бир телефон қилиб айтиб чиқишларининг баъзан хумори тутади. Ҳозир ҳам оиламда қандай қувончли воқеа содир бўлса бир лаҳзага маҳзунлашаман ва қайнонам бўлганларида қанчалар қувонардилар, дейман. Хаёлан ширин-ширин таомлар тайёрлаб олдиларига қўйгим келади. Шу сатрларни ёзаяпману кўзёшларимни тиёлмаяпман. Муштипаргина қайнонасига қўлини пахса, тилини икки қарич қилиб бидирлаётган келинларни кўрсам, кечирасизу бўғиб қўйгим келади...

Эҳтимол, қайнонамни жуда кеч англаб етганим менга катта сабоқ бўлгандир. Нима бўлганда ҳам, у кишининг муҳаббатини қозониш учун йўқотган вақтим, молиму ҳис-туйғуларим учун ачинмайман. Ҳали ҳамон қайнонамнинг яна бир ўн йил яшамаганидан азобга солади, азоблайверади....

Жуда яхши кўрардим, бошқача меҳр билан... Ана шу сўзларни ҳеч қачон ўзларига айтолмаганим эса менга армон...

**Барно СУЛТОНОВА**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz th-tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 71 233-70-10
Масъул котиб: 71 233-55-38
Бўлим муҳаррирлари 71 233-38-23, 71 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 71 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3146. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 9 199 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.50.